

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2019 йил 18 январь • № 2 (1231)

## ХУДУДЛАР ТИББИЁТИДА НАМУНА БЎЛАДИГАН МАРКАЗЛАР АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА

**“Ҳурматли йўловчилар Тошкент-Қарши йўналиши бўйича темир йўл поёти биринчи йўлдан ҳаракатланишни бошлайди. Ўз жойингизни эгаллашингизни сўраймиз...”**

Иқтисодиёт қон-томири деб аталадиган темир йўлда бир-бирини етаклаб кетаётган вагонларнинг таниш овози кишини бироз ҳаёлга чўлдирди. Қолаверса, танти ха-

Гапнинг индаллосини айтганда, Қарши шаҳри кундан-кун чирой очиб, кўрқига кўрк қўшилмоқда...

Ҳа, Қашқадарё вилояти бугун ҳар жабҳада илдам қадам ташлаб,

Қарши шаҳридаги кардиология ва эндокринология марказлари бошқа вилоятларга намуна бўлиши керак. Бунинг учун, аввало, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш зарур. Асосий мақсадимиздан бири – халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш. Бунинг учун биз барча имкониятимизни сафарбар этамиз. Токи бу ислохотларимиз самарасини халқимиз бугун, кундалик ҳаётида сезсин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

лқимиз, бағрикенг қашқада-реликлар самимий суҳбати билан сизни йўл-йўлакай зериктирмайди. Ҳаш-паш дегунча Қарши шаҳрига етиб келганингизни билмай қоласиз. Ўша таниш кўчалар, аммо ўзгача шуқуҳ... Ҳар гал воҳанинг ушбу сўлим гўшасига келганимизда улкан бунёдкорлик ишлари, боҳаво боғлар, баланд-баланд бинолар, замонавий спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари барпо этилаётгани каби ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўламиз.

қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам эътирофга молик фаолиятлар йўлга қўйилиб, тиббиётни аҳолига янада яқинлаштиришга эришилмоқда. Жумладан, ҳудудда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган бир нечта шифо масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар ва малакали кадрлар билан таъминланмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24-25 февраль кун-



Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида юқори технологик жарроҳлик амалиёти бажарилди.

лари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқ ва вазифалар ҳамда Президентнинг 2017 йил 1 майдаги “Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2938-сонли Қарори-

нинг ижроси юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология ва эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказларининг Қарши филиали, Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси қурилиб, 2018 йилнинг декабрь

ойида фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, қисқа вақт ичида ушбу муассасаларда жадал қурилиш ишлари бажарилди, илгари фойдаланилмай турган ҳудудда туташ жойлашган марказ филиаллари атрофи ободонлаштирилди.

(Давоми 3-бетда).

## МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ муҳассамлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайёр қабулида ўз аксини топмоқда

Таъкидлаш жоизки, Штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2018 йил одами” деб эълон қилинганлиги халқимизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди. Эътирофлиси шундаки, Юртбошимизнинг сиёсий йўналиш бўйича Осиёнинг “Йил одами” деб тан олинганлиги бежиз эмас, албатта. Боиси, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш устувордир.

### ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова билан суҳбатлашиб турганимизда телефон орқали билдирилган миннатдорликка гувоҳ бўлдик. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида истиқомат қилувчи Малика Бузрукова қуйидаги дил изҳорларини йўллаган.

“Ҳурматли Эльмира Иркиновна! Мурожаатим бўйича кўрсатган беминнат ёрдамнингиз учун чексиз миннатдорлигимни билдираман. Айни кунда сизнинг тавсиянгиз билан имтиёзли йўлланма асосида Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида даво муолажаларини олмоқдам. Кундан-кунга аҳволим яхшиланиб бормоқда. Сиз ва сиз сингари ғамхўр мутасадди раҳбарларга мустаҳкам соғлиқ тилаб қоламан”.

(Давоми 2-бетда).



ИНСОН  
МАНФААТЛАРИ  
ҲАР НАРСАДАН  
УСТУН